



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тошев М. Х.¹

¹ Бухоро давлат, университети таянч докторанти

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАХМАТНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ҚАДАМЛАРИ

Аннотация: Мақолада бошланғич синф ўқувчиларни креатив қобилиятларини шахмат ўргатиш орқали ривожлантириш методикаси келтирилган. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган “Қадам ва қадам” ўкув курсларини методик ва дидактик жихатлари ёритилган.

Калит сўзлари: Шахмат, креативлик, бошланғич синф ўкувчиси, продуктив, репродуктив, ўкув соатлари.

Жуда кўп манбаларда шахматни мактаб ўқувчиларни интеллектуал ва креатив қобилиятларини ривожлантиришга таъсири борлиги таъқидлаб ўтилган[1, 2, 3]. Бу муаммо бўйича кўплаб тадқиқотлар хам мавжуд бўлиб аксарият натижалар ижобий[4, 5]. Тадқиқот муаллифлар шахматни ўргатиш тартиби, алгоритми хусусида турли карашлар борлигини таъқидлашади. Универсал хамма тўғри келадиган ягона ўргатиш алгоритми(қадамлари) йўқлиги хам тадқиқотчилар томонидан таъқидлаб ўтилган[6, 7].

Бизни тадқиқот доирасида шу муаммоларга тўхталиб ўтилган. Жумладан ишлаб чиқилган “Қадам ва қадам” ўкув курси компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда бир ўкув йили давомида 34 соат ўқитиш учун мўлжалланган. Курс иккинчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Ўкув йилининг биринчи чорагида, асосан, ўқувчиларнинг репродуктив (РТ) тайёргарлиги режалаштирилади. Ушбу чоракдаги маълумотлар умумий материал миқдорининг 20 фоизини ташкил қиласди. Иккинчи ва учинчи чоракларда репродуктив ўқитиш ҳажми мос равишда 60 ва 40 фоизгача камаяди ва фаол (самарали) ўқитиш улуси

ортади. Тўртингчи чоракда пассив (репродуктив) таълим улуши 20 фоиз бўлади ва фаол (самарали) таълим улуши 80 фоизга ошади.

Куйидаги жадвалда таълимнинг репродуктив (пассив) ва продуктив(фаол) ўқитиш усусларини чораглар бўйича тақсимоти.

1-жадвал. Таълимнинг репродуктив ва продуктив ўқитиш усуслари

| Ўқув чораги | Репродуктив таълим | Продуктив таълим |
|-------------|--------------------|------------------|
| I | 80% | 20% |
| II | 60% | 40% |
| III | 40% | 60% |
| IV | 20% | 80% |

Бошланғич синф ўқувчиларининг компьютерда ишлаш вақти, "Санитария-гиена нормалари ва қоидалари" тавсияларига кўра, йигирма дақиқадан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

«Қадам ва қадам» шахмат курси куйидаги босқичлар(қадамлар)га бўлинади:

қадам №1 «Шахмат алифбоси» - биринчи чорак;

қадам №2 «Ўйин» - иккинчи чорак;

қадам №3 «Ўйин босқичлари» - учинчи чорак;

қадам №4 «Шахмат тактикаси» - тўртингчи чорак.

Биринчи қадам (Шахмат алифбоси).

Биринчи қадам шахмат билан танишиш қаратилган бўлиб унда шахмат тахтаси, унинг ташкил этувчиларилари, шахмат доналари, доналарни бошланғич жойлашуви ўйиннинг мақсади, шох ва мотнинг асосий тушунчалари берилади. Дидактик материал компьютер дастурларида жойилашган бўлиб ўқув йилининг биринчи чорагида ўрганиш учун мўлжалланган. Шахмат алифбоси куйидаги 7 дарсни ўз ичига олади:

- шахматнинг инсон ҳәётидаги аҳамияти. Шахматнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи;
- шахмат тахтаси билан танишув;
- шахмат доналарининг бошланғич жойлашуви;
- шахмат доналарнинг номи ва тавсифи;
- юришлар ва доналарни олиш;
- доналар қиймати;
- амалиёт. Шахмат масалаларни ечиш.

Иккинчи қадам (Ўйин).

Иккинчи қадам. Бу босқич ўқувчиларга шахмат ўйиннинг мақсадлари ва шахмат нотациясини ўргатиш учун мўлжалланган. Шахмат нотацияси шахмат тахтасида булаётган жараёнларни ёзиб олиш имконини беради.

Иккинчи қадам куйидаги 6 дарсдан иборат:

- горизонтал ва вертикал чизиклар ва уларни белгилаш қоидалари;
- шахмат нотацияси;
- шахмат катакчаларининг манзилари;

- ўйин мазмуни ва мақсади: шоҳ, мот;
- маҳсус қоидалар (рекорд, пиёдани бошқа сипоҳга айланиши, ўтишда олиш, пот);
- рақиб билан ўйнаш.

Учинчи қадам (Ўйин босқичлари).

Ўкув йилининг учинчи чораги кўпроқ амалиётга қаратилган бўлиб ўкувчиларга ўйин босқичларида(дебют, миттельшпиль, эндшпиль) асосий ўйин қоидаларни ўргатади. Учинчи қадам куйидаги 4 дарсдан иборат.

- ўйиннинг бошланиши(Дебют). Дебютнинг асосий қоидалари;
- ўйини тугаши (Эндшпиль). Эндшпилда ўйиннинг асосий қоидалари;
- ўйиннинг ўртаси(Миттельшпиль). Миттельшпилда ўйин имкониятлари;
- рақиб билан ўйнаш.

Тўртингчи қадам (Шахмат тактикаси).

Шахмат тактикаси ўкувчиларига маълум мақсаддаги муаммоларни ечиши, ҳаракатлар ҳақида фикр юритиш қоидаларини ва истиқболли юришларни топишга мўлжалланган. Шахмат тактикаси куйидаги 7 дарсдан иборат.

- “боглаш” тактикаси;
- бир юришда иккита сипоҳга хужум тактикаси;
- “очиб шоҳ” тактикаси;
- “икки ёнлама зарба” тактикаси;
- Шахмат масалаларни ечиш.

Ўкувчиларни синовдан ўtkазиш, шунингдек, бир вақтда ўйин машғулотлари ва турнирлар дарсдан ташқари, қўшимча вақтларда ўtkазилади.

“Қадам ва қадам” курсини мазмунли режаси 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал «Қадам ва қадам» курсининг мазмунли режаси

| Назарий материал | Амалиёт | Таълим натижаси |
|---|--|--|
| Таълим дастурининг асосий мазмунни | Амалий кўникмалар | Интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш |
| 1. Шахмат тахтаси билан танишув. Оқ ва кора катакчаларнинг жойлашуви. Оқ ва қора худудлар. Шахмат тахтасини шартли бўлиш. Вертикаллар, горизонталлар ва диагоналлар. Майдон манзили 2. Доналарнинг номланиши ва белгиланиши. Оқ ва қора доналар номи. Шахмат тахтасида оқ ва қора катакчалар. Доналарнинг дастлабки жойлашуви. | - шахмат доскасини тўғри жойлаштириш; - ўйин олдидан доналарни тўғри қўйиш. | Дикқат, хотира, тасаввур, |

3. Доналар юриши ва уларни олиш. Пиёда, шох, рух, фил, от. Пиёда, шох, рух, фил, от билан олиш.

4. Доналарнинг нисбий қиймати. Доналар қиймати. Доналарнинг нисбий қиймати. Доналарнинг жойлашувига (доска чети, доска маркази) боғлик ҳолда доналарнинг нисбий қиймати.

5. Пиёданинг имкониятлари. Пиёданинг ўзига хос юрушлари. Пиедани бошқа сипоҳга айланиши. Пиедани юлақда уриш.

6. Ўйин мазмуни ва мақсади. Ютуқ, дуранг ёки мағлубият. Нима учун доналарни силжитиш керак? Рақибни қандай ютиш керак, шохни қандай асирга олиш мумкин? Ютуқ, дуранг, мағлубият нимани англатади? Дуранг варианtlари. Ўйин босқичлари. Дебют, миттельшпиль, эндшпиль. Шох. Шох нима. Шох фарзин, рух, фил, от, пиёда билан шох. Шохдан химоя. Рокировка. Узун ва қисқа рокировка. Рокировка қоидалари. Шохни мот қилиш . “Шохни мот қилиш” тушунчаси. Шох мот бўлгандаги ҳолат. Ўйин охири. Пот. “Пот” тушунчаси. Пот ўйинда дурангни англатади.

7. Ўйин бошланиши. Дебют. Дебютнинг асосий тамойиллари. Марказ роли. Енгил ва оғир Доналар тушунчаси. Марказнинг пиёда ва енгил Доналарини назорат қилиш. Дебютда юришларнинг тартиби. **Дебютнинг асосий тамойиллари.** Доналарнинг ривожланиши. Енгил доналарнинг ривожланиши. Енгил доналарнинг мақсадга йўналтирилган чиқиши. Марказнинг фойдали очилиши. Ўйин бошида темпни йўқотиш тушунчаси. Биринчи ҳаракат ва ташаббуснинг афзаллиги. Дебютда фаоллик.

8. Ўйиннинг охири. Эндшпиль. Ўйиннинг охири нима? Эндшпилнинг мақсади ва вазифаси. Эндшпилда асосий ҳаракатлар. Ўйин охирида шоҳнинг фаоллиги. Пиёдани фарзга олиб келиш. Ёлғиз қолган шоҳни турли

- ҳар бир дона билан алоҳида ва бошқа доналар билан ҳамкорликда ўйнаш;
- доналарни олиш;
- юришда олиш,
- рокировкани бажариш (узун ва қисқа);
- шох эълон қилиш;
- мот қилиш;
- пот (дуранг) қилиш.
- бир юришда мот.

| | |
|-----------------------------|---|
| Доналар билан таслим қилиш. | |
| Якуний натижка | <p>«FIDE қоидалари бўйича шахмат доналари билан юришни билиш». Бунинг натижасида қуийдаги кўнкима ва малакалар шаклланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шахмат доскасини тўғри жойлаштириш; - шахмат доскасида доналарни тўғри жойлаштириш; - доналар билан тўғри юриш; - ўйинни тўғри бошлаш; - шоҳга мот қўйиш – партияни бошидан охиригача ўйнаш; - шахмат доскасида қоидаларига риоя қилиш. |

Бошлангич синф ўқувчилари га таълим беришда ўқувчилар диққатини шахмат доналарнинг хозирги ҳолатига эмас, балки уларнинг муносабатларига ва шахмат таҳтасида ҳаракат қилиш имкониятларига қаратилиши мухим. Шу билан бирга, ҳар бир позицияда ўйиннинг энг кучли, энг самарали давомини топиш вазифаси қўйилади.

Шахмат ўйинида ўқувчилар томонидан кўпучрайдиган хатолар қўйидагича: доналарни алмештириб қуиши, ўз доналарни ҳимоясиз қолдириш, доналарнинг кучини етарлича баҳоласмаслик, хаф хатарни тўғри баҳоламаслик, юриш варианtlарини кўра олмаслик ва бошқ.

Буларнинг барчаси нафақат фазовий тасаввурни такомиллаштириш, балки мактаб ўқувчиларининг бошқа руҳий фазилатлари: тезкор хотира, диққат ва мантикий фикрлаши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

"Қадам ва қадам" курси шахматни ўзлаштиришнинг биринчи даражаси ҳисобланиб, шахмат ўйинининг асосий тушунчалари билан таништиришга мўлжалланган. Таълим шахмат ўйинини энди ўйнашни бошловчилар учун мўлжалланган. Таълим жараёнида ўқувчилар шахмат ўйини тушунчалари билан танишишади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Габбазова А.Л. Интеллектуальное развитие детей младшего школьного возраста в процессе обучения шахматной игре: дисс. ... канд. псих. наук. -М.:, 2005. -181с.
2. Махмудов и др. Дидактические возможности шахмат в развитие творческого мышления школьников: Монография.-Ташкент: Издат. " Nodirabegim", 2021.-126 с.
3. Князева В.В. Структура и содержание учебного предмета "шахматы" в системе общеобразовательных школ России: дисс. ... доктора, пед. наук. - М.: 2000 г. - 462с
4. Полоудин В.А. Обучение игре в шахматы с применением компьютерных технологий как комплексное средство повышения интеллектуальных и игровых способностей младших школьников. Дис...канд.пед..наук. – Москва, 2007. – 192 с.

5. R. Aciego , L. Garcia , M. Betancort. Польза шахмат для интеллектуального и социально-эмоционального обогащения у школьников. Испанский журнал психологии, 15 (2012) , с. 551 – 559.
6. P. ТринчeroGli scacchi, gioco per crescere. Sei anni di sperimentazione nella scuola primaria [Шахматы, игра для взрослых. Шесть лет исследований в начальной школе] Франко Анжели, Милан (2012)
7. Тарасова О.В. Педагогические условия формирования логической культуры младших школьников средствами шахматной деятельности: Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 : Казань, 2005 209 с
8. Тошев М. X. Мактаб ўқувчиларини шахматга тайёрлашнинг шакллари: 10.53885/edinres. 2021.44. 19.065 МХ Тошев БухДУ таянч докторанти //Научно-практическая конференция. – 2021.
9. Тошев М., Рамазанова Ф. Патриотическое воспитание-важная составляющая духовно-нравственного воспитания детей и молодежи //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2014. – №. 6. – С. 22-27.
10. Halilovich T. M. An International Multidisciplinary Research Journal.
11. Xalilovich T. M. Areas of work of a sports psychologist //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 188-193.
12. Halilovich T. M. The role of chess in the development of intellectual abilities of secondary school students (based on computer technology) //ACADEMICA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1254-1258.
13. Шукров Р., Тошев М. СПОРТ КАК СОРЕВНОВАТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 5. – С. 139-140.